



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 18 » январь

№ 26

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ўқишини ташкил этиш учун Япония хукумати грантидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси вакилларининг Японияда ўқишини ташкил этиш учун берилаётган Япония хукуматининг грантларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Япониянинг етакчи университетлари магистратураси ва докторантурасида Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ўқишини ташкил этиш тўғрисидаги Япония хукуматининг таклифи (кейинги ўринларда – лойиҳа) қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ва Япония хукуматлари ўртасида ҳар йили Япониянинг етакчи университетлари магистратураси ва докторантурасида Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ўқишини ташкил этиш бўйича алмашинув ноталари ва грант битимлари имзоланиши;

ҳар йили имзоланадиган алмашинув ноталари ва грант битимлари асосида Япония хукумати томонидан Япониянинг етакчи университетларида ўқиш учун стипендиялар ажратилиши;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан 2020 йил 18 август куни имзоланган алмашинув нотаси ва грант битими асосида Япония хукуматининг 291 млн Япония иенаси (2,6 млн АҚШ долларига эквивалентда) миқдоридаги гранти 2021–2022 йилларда фойдаланиш учун тақдим этилгани;

лоийхани амалга оширишни мувофиқлаштириш ва ўқиш учун номзодларни танлаб олиш **Ўзбекистон Республикаси томонидан** – Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, **Япония томонидан** – Япониянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (кейинги ўринларда – ЛСА), Ўзбекистон-Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ҳар йили:

лойиҳани амалга ошириш доирасида грантни олиш ва ундан фойдаланиш учун Япония томони билан келишган ҳолда тегишли хужжатларни расмийлаштириш;

лойиҳани сифатли бажариш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллый банки” АЖ (кейинги ўринларда – “Ўзмиллийбанк” АЖ) билан тегишли агентлик битимини тузиш вазифаси юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:

грант ҳисоб-китоблари доирасида Япониянинг MUFG Bank, Ltd. банки (кейинги ўринларда – Япония банки) хизматлари ва воситачилик харажатларини тўлаб бериш мажбурияти ҳақида белгиланган шаклдаги кафолат хатини (acknowledgement letter) “Ўзмиллийбанк” АЖга тақдим қилсин;

“Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан тегишли талабнома тақдим этилгандан сўнг уч иш куни ичida Япония банки воситачилик ҳақи ва грант бўйича юзага келадиган бошқа харажатларни тўлаб берсин;

грант ҳисоб-китобларини амалга ошириш юзасидан банк хизматлари, воситачилик харажатлари ва грант бўйича юзага келадиган бошқа харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳа доирасида Японияда таҳсил олаётган стипендиатларнинг ўқиши ва ўқиши тамомлаган стипендиатларнинг меҳнат фаолияти юзасидан доимий мониторинг олиб борсин.

5. “Ўзмиллийбанк” АЖга ҳар йили:

ЛСА томонидан ажратилган грантлардан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш юзасидан Япония банки билан банклараро битимни тузиш ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган алмашинув ноталари ва грант битимлари асосида грантларнинг ҳисоб-китоб хизматларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан лойиҳа доирасида агентлик битими асосида амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тегишли маблағлар тақдим этилгандан сўнг уч иш куни ичida Япония банки воситачилик харажатларини тўлаб бериш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов